

ТАСАВВУФ ФОЯЛАРИНИНГ ЁЙИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ МАЊНАВИЙ-АХЛОЌИЙ АҲАМИЯТИ

Д. Норматова

ФарДУ доценти

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: тасаввуф, мањнавий-ахлоќий, шарқшунос, ижтимоий-сиёсий, маданий-мањнавий, диний-фалсафий, исломшунос, хулқ, одоб, ҳалоллик, ростгўйлик.

Аннотация

мақолада тасаввуф фоялари ва уларнинг ёйилиши ҳамда уларнинг мањнавий-ахлоќий аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, мањнавий ҳаёт тараққиётининг хусусиятлари, ўрта асрлардаги мусулмонларнинг ҳаёти, тафаккури ёритилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Тасаввуф - Шарқ мусулмон ҳалқлари мањнавий ҳаёти тарихида муҳим ўрин эгаллади. Исломшунос, шарқшунос, тарихчи, файласуф олимлар ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг изланишлари исломдаги бу мистик оқимнинг ижтимоий илдизларини очиш, унинг мусулмон жамоаси мањнавий ва сиёсий тараққиётидаги ролини, ижтимоий-сиёсий, мағкуравий вазифалари зиддиятлилигини аниқлаш, унинг яқин XIV аср давомидаги эволюцияси манзарасини яратиш имконини беради. Исломдаги бу мистик оқим вужудга келиш, қарор топиш, тикланиш ва ривожланиш даврида тарихий худудларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-мањнавий хусусиятидан келиб чиқиб, ҳар хил шакл ва йўналишлардан намоён бўлди. Шу даврларда тасаввуф мукаммал ва равон бир таълимотга айланди. Ҳар хил тарихий босқичларда ва ҳар хил давлатларда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитда тасаввуф оқимлари ва йўналишларининг асосий ижтимоий-сиёсий, шунингдек, ғоявий-мањнавий-фаолияти ва вазифалари ўзгариб борган. Унинг оқимлари тизимида ва асосий ғоявий мақсадларни амалга ошириш шаклларида кўплаб зиддиятларни кўриш мумкин.

Адабиётларда таъкидлагандек, ҳар хил тарихий босқичларда у гоҳ мусулмон ақидапарастлигига ортодоксал исломга зимдан қаршилик кўрсатишга ва хизмат қилган, гоҳ ҳурфиклиликнинг кучайишига кўмаклашган, гоҳ босқинчилик сиёсатига қарши курашда ундан оппозиция сифатида кенг фойдаланган. Қандай шаклда ифодаланишидан қатъий назар, тасаввуф яхлит кўринишида Шарқ мусулмонлари мањнавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун тасаввуф ўрта асрларда жамиятда (статус)га эга бўлган ўзига хос назарий тизим сифатида сўнгги ўн йилликларда шарқшунослар, исломшунослар, файласуфлар, маданиятшунослар, адабиётшунослар, тарихчилар орасида катта илмий қизиқиши уйғотмокда. Тасаввуфни ҳар томонлама ўрганиш Ўрта асрларда Марказий Осиё ҳалқлари мањнавий маданиятининг тараққиётини тўлиқроқ, аниқроқ тасаввур қилиш имконини беради.¹

Тасаввуф аҳли (мутасаввиблар) орасида ўзларидан араб, форс, турк ва бошқа тилларда кўплаб бадиий, фалсафий, илохиётга бағишлиланган асарлар қолдирган аллома ёзувчи шоирлар,

¹ Пўлатов X., Маматов М. Тасаввуф тарихидан лавҳалар. Т.: 2011. 212-бет.

мутафакир-денишмандлар етишиб чиқкан. Тасаввуф Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятида энг кенг тарқалган оқимлардан бири бўлган. Шунинг учун, мусулмон олами халқларининг ижтимоий-фалсафий фикрини ўрганишда тасаввуф тўғрисидаги масала долзарб аҳамиятга эга. Мустақиллик туфайли жамиятда дин, маънавий ҳаёт тарихини ёритишга янгича муносабат вужудга келди, ўтган давр мутафаккирларининг, жумладан, мутасаввуфларнинг маданий-маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш учун қулай шароит яратилди. Таъсирчан диний-фалсафий йўналиш сифатида тасаввуфни ўрганиш Шарқ мусулмон халқи фалсафасининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнини янада аникроқ ёритиш имконини беради. Ислом фанатизмининг акси сифатида сўфиёна ҳурфиксалик асосан қўйидаги шаклларда намоён бўлади. Сўзиз амал қилиниши шариат томонидан талаб қилинадиган ортодоксал ислом ақидалари ва урф-одатларига бепарволик; бошқа дин вакилларига нисбатан мусулмонларнинг ўта кескин муносабатларини рад этиш ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенглик; ортодоксал ислом тарафдорлари бўлган фанатик кайфиятдаги уламоларнинг қораланиши.²

Тасаввуфнинг оқим сифатида ўзига хослиги шундаки, бу оқим тарафдорлари исломнинг якка ҳокимлигига, ислом фанатизмига қарши чиқиш ҳурфиксалик сўфийлар учун анъана шаклини олди. “Тасаввуф учун қўйидаги хусусиятлар ҳосдир, деб ёзади Азиз Наринбоев, - биринчидан, идеалистик метафизикани психологик машқлар тизими билан уйғунлаштиришни маънавий куч ғайратини сафарбар этиш; иккинчидан, сўфийлар ташкилотида тариқат йўлига бошловчи пир-муршидни ҳамда у ёки бу тарзда уларга яқинлаштирилган (қаторга қўшилган) ўқувчилари-муридларнинг сўзиз иштироки; учинчидан, “Илми ғайб” тўғрисидаги таълимотга риоя қилиш яъни маслақдош ёки садоқат билан киришган одамлар аста-секин муттасил тарзда мистик илмий, ишқ-мухабbat ва аскеза орқали худога яқинлашиш ва пировард натижада худо билан қўшилиб кетиш. Бу хусусиятларда оламни мантиқий-ақлий билишни инкор этадиган интуитив билишга, тажаллига, баъзан экстатикага (жазбага), ғайриақлий ҳодисаларга (гипноз, телепатия) қизиқиши, интилиш тасаввуфга хос белгиларни билдиради”.¹ бундан ташқари, тасаввуфда учта асосий йўналиш ажратилади: субъектив идеализм (Бистомий, Халлож); объектив идеализм (Фаззолий, Аттор, Ибн Арабий, Яссавий); пантеизм (саъдий, Жомий, Бедил). Пантеизм ниқоби остида сўфийлар ёрқин ифодаланган, нисбатан илғор материалистик ғояларни тарғиб этганлар.²

Ўрта асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий шароитида файласуф соф дунёвий олим бўлиши мумкин эмас эди. У тез-тез ўз қарашларини исботлаш (тасдиқлаш) учун “илоҳий” ёзувларга мурожаат қилиб туришга мажбур бўлган. Шунга қарамай, қадимги маданий қадриятларни қайта тиклаш ва янгиларини яратиш анъаналарини, айниқса IX-XV асрларда Ўрта Осиё маънавиятининг деярли барча жабҳаларида ривожлантиришни ўша даврнинг илғор мутафаккирлари ўзларининг муқаддас бурчлари деб ҳисоблаганлар. Шу аснода табиий, илмий, фалсафий билимлар ривожланган.

Ўрта Осиё халқлари, -деб таъкидлайди. М.М.Хайруллаев, - “Шарқ Ренессанси” деб аталмиш IX-XV асрлар давомида Юнонистоннинг табиий-илмий ва фалсафий қадриятларидан кенг ва ижодий фойдаланиб, шундай маданий бойлик яратдиларки, илмий изланишлар ва бадиий ижоднинг ҳақиқий юксак савиясини яратган Фаробий, Рудакий, Ибн Сино, Беруний, Жомий, Навоий, Маҳмуд Қошғарий, Улугбек каби денишманд олимлар, шоирларнинг ижодий жасорати ўлароқ, у жаҳон маданияти хазинасига кириб, дунё тамаддуни тараққиётининг зарур ва муҳим ҳалқасини ташкил қилди”¹

Маънавий ҳаёт тараққиётининг хусусиятлари, ўрта асрлардаги мусулмонларнинг ҳаёти, тафаккури тўғрисида академик М.В.Петровский шундай ёзади: Дунёвийлик ва динийликни

² Из истории суфизма: источники и практика (под ред. склад) М.Хайруллаева. Т.”Фан”, 1991. с.16.

¹ Қаранг. Азиз Наринбоев. Изб.произ. Бишкек. “Илм”, 2004. с.202

² Қаранг. Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. Т. 1977, с.169-170.

¹ Қаранг. Хайруллаев М.М. “Фараби” (эпоха и учения) Т.: “Узбекистан”, 1975. с.167.

ажратишнинг иложи йўқ эди, шунинг учун булар ҳаммаси маънавий соҳага таалуқли эди. Тасаввуф-диний-фалсафий таълимот сифатида ўз ғояларининг мураккаблиги, зиддиятлилиги билан, манбаларининг ва ижтимоий заминининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.² Тасаввуф улкан фалсафий мерос қолдирган. Ўрта аср мутафаккирлари фалсафий, аҳлоқий (этик) ва эстетик тафаккурни ўзларига хос тарзда ривожлантирилар ва инсонпарварлик ғояларининг тадбиқ этилишига салмоқли ҳисса қўшдилар, жаҳон маданияти хазинасидан жой олган ажойиб бадиий асарлар яратдилар. “Сўфизм” ибораси арабча “сўфм”-жундан (юнгдан) қилинган кийим кийган киши, деган сўздан келиб чиқсан. Абу Райхон Беруний эса, Сўфизм (Тасаввуф) юончча донишманд деган сўздан келиб чиқсан, деб таъкидлайди. Исломда VIII асрда пайдо бўлиб ва ҳозиргача мавжуд бўлган мистик оқимни шундай деб атайдилар. Тасаввуф шимолий ғарбий Африкадан то Ҳиндистонгача ва Шарқий Туркистонгача тарқаган. Тасаввуфнинг келиб чиқиши ва тараққиёти сабаблари кўплаб илмий, илмийликка даъво қилувчи асарларда, диссертацияларда ва илмий мақолларда ўрганилган.

Тасаввуф-ислом замирида пайдо бўлган ва бу таълимотни мутасавифлар Куръон ва Ҳадислар билан асослайдилар. Шу билан бирга, у бошқа динлар ва мусулмончиликдан аввалги эътиқодларнинг маълум даражадаги таъсирини ўзида намоён қиласди. Сўфийлар расман Куръонга суюниб, аслида мусулмончиликдан аввалги таълимотларга анча яқинроқ эдилар. Сўфийларнинг худо тўғрисидаги, унга яқинлашув воситалари тўғрисидаги тасаввурлари антик фалсафа вакилларининг, неоплатоникларнинг, неопифагорчиларнинг таълимотини эслатади. Шунингдек, ғарбий яхудийларнинг каббала¹ сига, шарқда, буддавийлик, умуман ҳинд таркидунёлигига ўхшаб кетади.² Марказий Осиё ҳудудида тасаввуфшуносларнинг текширишига кўра учта тариқат йўллари кенг тарқалган. Булар асосан қуидагилардир:

Яссавийлик. Бу тариқатнинг асосчиси, ўз-ўзидан равшанки, Мовароуннахрда Хўжа Аҳмад Яссавий, Кул Хўжа Аҳмад, Хўжа Аҳмад каби номлар билан машҳур бўлган ва тириклик даврида ёқ орифлар (оллоҳни билувчи, доно) сultonи деган унвонга сазовор бўлган. Аҳмад Яссавийдир (вафоти 1166). Тўла номи Кул Хўжа Аҳмад ибн Иброҳим ибн Маҳмуд ибн Ифтихор ибн Исҳоҳ ҳазрати ал-орифини Аҳмад Яссавий бўлиб, Туркистоннинг Сайрам кишлоғида таваллуд топган. Отаси Ибриҳам ибн Маҳмуд Ифтихор шажараси пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизлари Фотима авлодидан, ўн биринчи бўғинда авлиё шайх Исҳоқ бобога туташдир. Яссавийнинг онаси Қорасоч ойим иродали, доно аёл бўлган.

Аҳмад Яссавийнинг тасаввуфий дунёқараси шаклланишида Бухорода ўша даврнинг йирик олими ва шайхи Юсуф Ҳамадоний қўлида сулук одобини ўзлаштириб олиш муҳим воқеа бўлади. Бинобарин, адабиётларда Аҳмад Яссавий машҳур шайх Арслон Бобнинг тарбиясини олиб, унинг тавсияси билан Бухорога борганлиги, Ҳамадонийнинг тўрт шогирди орасида учинчи ўринбосар-ҳалифа (Хўжа Абдулло, Хўжа Ҳусайн, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Фиждувоний) бўлганлиги, унинг туркий шайхлар силсиласини бошлаб берганлиги ҳақида ёзадилар. Бунда Яссавий дин ва тасаввуф ғояларини эл аро тарғиб қилиш мақсадида шеърий ижоддан кенг фойдаланади. Жоизки, бундан Яссавийнинг асосий мақсади шоирона мушоҳада ва мулоҳаза эмас, балки орифона йўналиш ҳисобланади. Уларни ҳикматлар, яъни диний-тасаввуфий манзумалар деб айтилишининг боиси шунда. Тадқиқотчиларнинг ёзишларича, “Аҳмад Яссавий учун ҳам ҳикмат-“илми ладуний”, яъни илми файбу хақойик ва илоҳий сирларни кашф этмоқ ва ифодаламоқ мазмунига тенг”.¹

Аввалом бор шуни айтиш керакки, Аҳмад Яссавий ислом асосларига садоқат, уларни ҳалқнинг маънавий дунёсига чукур сингдириш вазифасини ўз олдига қўяди. Шу сабабли Куръон ғоялари

² Ислам в средневековой политике. Восока. М.: Наука, 1986, с.18.

¹ Кабалла-Қадимги яхудий тилида-ривоят, накл. Яхудийликдаги мистик оқим.

² Қаранг. Авсеньев А.В. Ислам на северном Кавказе. Ставрополь. 1973.

¹ Ҳаққулов И.Ч. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти. (автореферат) –Т.: 1995, 25-бет.

ва ҳадисларнинг руҳи унинг илоҳий ҳикматлари фалсафий, диний, ахлоқий негизларини ташкил этади. Яссавий исломда Оллоҳ раҳматига сазовор бўлишнинг тўрт босқичи (шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат) ҳақида фикрлар экан, инсон ўзининг илк мусаффолиги ва поклигини сақлаган ҳолда бу жараёнга қўшилиши мумкинлигини таъкидлайди. Инсоннинг ҳаётдаги асосий вазифаси тоат, ибодат, яхши хулқ ва Оллоҳга садоқат бўлмоғи зарур. Кўринадики, Яссавийнинг қарашларида, биринчидан, исломни тасдиқ этиш ғояси марказий ўрин тутади. Иккинчидан, одам Оллоҳнинг энг гўзал ва мукаммал ижоди эканлиги ҳодисасидан келиб чиқиб, уни эъзозлаш ғояси тарғиб қилинади.

Инсон тупроқдан яратилди, бироқ нурдан яратилган фаришталарни Оллоҳ инсонга сажда қилишга буюрди, бу инсонга берилган мартабанинг буюклигидан нишонадир: Биргина Иблис буни эътироф этиш буйрукни бажаришдан бош тортди, бунинг натижаси ўлароқ, у Оллоҳнинг лаънатига учради, олий даргоҳдан батамом қувилди. Яссавий ҳикматларида инсон улуғлигини тараннум этишнинг илоҳий илдизлари ана шу моҳиятга бориб тақалади: “Ҳар ким ҳақни қули бўлса, ҳаққа ёнсан, ҳаққа ёнмас ғофил қуллар нари борсин”.² Учинчидан, Яссавий ўз ҳикматларида дунёда адолатсизликнинг мавжуд эканлигини эътироф этгани ҳолда ундан кишиларни ҳимоя қилиш фикрини ўртага ташлайди ва қўллаб қувватлади: “Қайда кўрсанг кўнгли синик марҳам бўлгил”.¹ Тўртинчидан, бу дунёning доғларини инсонга юқтирумаслик учун унинг гуноҳларидан инсоннинг соғлиги мусаффолигини ҳимоя қилиш ва сақлаш керак. Чунки, “ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасанг”, дейди шоир.² Бунинг асосий воситаси ва йўли таркидунёчиликдир, деган хуносага келади. Яссавий ижодининг ҳамма бошқа ғоялари шу тўрт мавзуда мужассамлашади. Шундай қилиб, мутлоқ ҳақиқатни билиш, ҳақни севиш Яссавий ҳикматларидаги насиҳат руҳининг асосий мазмунини ташкил этади, инсонни маънавий эркинликка чорлайдиган ҳоким бир даъватdir.

Яссавийнинг илоҳий, фалсафий, ахлоқий қарашлари унинг шогирдлари-Сулаймон Боқирғоний, Дукчи Эшон кабилар томонидан бадиий адабиётда давом эттирилди, ривожлантирилди. Яссавийлик тасаввуфнинг бошқа тариқатлари билан умумий ғоя ва тамойилларига эга бўлиш билан бирга, муайян томонларга, ўзига хос хусусиятларга эгадир. Булар ростгўйлик, онгли яшаш, ҳалоллик, беозорлик, нодонликдан нафратланиш каби фазлатлардан иборатдир. Аҳмад Яссавий туркий тасаввуф фалсафаси ва шеъриятининг кейинги тараққиётiga маънавий замин бўлиб хизмат қиласди.

Хожагон нақшбандийлик.

Бу тариқатнинг асосчиси Хожа Абдуҳолик Фиждувоний (1103-1179) ва Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1989) хисобланади.

Хожа Абдуҳолик Фиждувоний буюк аллома Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи шогирди бўлган. У “Рисолаи соҳибия”, Рисолаи шайхушшуюқ Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний, “Мақомати Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Аз гуфтар Хожа Абдуҳолик Гиждувоний” номли 5 та катта асарнинг муаллифидир. Хожагонлик тариқатининг асосий қоидалари мана шу асарлар мазмунини ташкил этади. Бу қонун-коидалар раҳшалар деб аталади. Шу сабабли ҳазратни “Сардафтари табакаи хожагон” – “Хожалар табакасини бошлаб берувчи” деб хисоблайдилар.

“Васиятнома” инсонларга хизмат этишга чақирувчи – “жамоатга мулозим бўл” сўзлари билан бошланади. Бу ерда Абдуҳолик Фиждувоний тариқат аҳлининг асосий йўли, Яссавий айтганидек, Оллоҳ йўлида жамиятдан четга чиқиш, тарки дунёчилик, узлатга чекиниш эмас, балки жамиятга хизмат қилишдан иборат бўлиши керак, деган фикрни илгари сурди. Ҳақиқатга эришишнинг чинаккам йўли шу, дейди Фиждувоний. Бугина эмас, Хожанинг эътиқодига кўра, одам ҳалол

² Яссавий ҳикматлар-Тошкент, 1991, 101-бет.

¹ Ўша ерда, 41-бет.

² Ўша жой, 75-бет.

мехнат қилиб қун кечириши туфайли жамиятдаги ўз вазифасини адо этган бўлади. Хожагонлик Нақшбандийликнинг бундай тасаввуфий аҳлоқий тамоиллари Яссавийча таркидунёчилик ғояларига маълум даражада эътиrozни ифодалайди. Хожагонлик назарида инсон “шу дунёда, табиатда шод ва хуррам яшashi керак, шу реал дунёning, табиатнинг лаззатларидан фойдаланиши керак ...”. Ибодат деган нарса ўн жуъздан иборат бўлиб, ундан тўққизтаси бирорвинг миннатисиз, ўзганинг меҳнатисиз, ўз меҳнати билан топилган нарсалар билан ҳалол ҳаёт кечиришдир.¹ Фиждувоний одамларнинг ҳаётий фаолиятларига ҳамфикр ва яқиндан ёрдам кўрсатиш, тоат-ибодат билан бир қаторда уларни ҳимоя этиш билан Оллоҳ кўрсатган йўлдан бориш ва унинг раҳматига сазовор бўлишни асосий тамоилларидан деб ҳисоблайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иззат Султон – Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. –Т.: “Фан”. 1994.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар. 11-жилд. Т.: 1993.
3. Байҳақкий Форобий ҳақида. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.: 1993.
4. Хайруллаев М., Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. “Фан”, 1971.
5. Қодиров А.А. – История медицины Узбекистана. –Т.: 1994.
6. Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достон. Т.: 1981.
7. Хайруллаев М. ва бошқалар Иззат Султон – Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. –Т.: “Фан”. 1994.
8. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар. 11-жилд. Т.: 1993.
9. Байҳақкий Форобий ҳақида. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.: 1993.
10. Хайруллаев М., Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. “Фан”, 1971.
11. Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достон. Т.: 1981.
12. Хайруллаев М. ва бошқа – “Маънавият юлдузлари”. Халқ мероси. 1999.

¹ Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. –Тошкент, “Ўзбекистон”, 1970, 336-337-бет.